
Судларда инсонпарварлик тамойилини қўллаш давом этмоқда

Мамлакатимиз раҳбари томонидан суд хуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида билиб-билмай жиноятга қўл ўриб қўйган, жазони ўташ даврида қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, ўзига тўғри хulosса чиқарган фуқароларни жазо муддатларини қисқартириш, уларни ўталмай қолган асосий ва қўшимча жазолардан озод этиш амалиёти қўлланилиб келинаётгани ҳақида аввал ҳам хабар берган эдик.

Бугун жиноят ишлари бўйича Ёзёвон туман суди томонидан байрам арафасида бир қатор маҳкумлар ўталмай қолган жазо муддатларидан шартли равишда озод этилдилар.

Туман суди томонидан ўтказилган суд мажлисида Ёзёвон туман ИИБ бошлиғининг бир қатор маҳкумларни жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод этиш ҳақидаги тақдимномалари атрофлича ўрганилиб, маҳкумларнинг содир этган қилмишидан ўзларига тўғри хulosса чиқариб олганликлари, қатъий тузалиш йўлига ўтиб, фойдали меҳнат билан шуғулланишаётганликлари, бундай қилмишларни бошқа тақрорламасликлари ҳақидаги кўрсатмалари тингланиб, Ёзёвон туман ИИБ вакилининг маҳкумлар томонидан жазони ўташ тартиб-қоидаларига этганликлари, ўзларини ижобий томондан намоён қилганликлари ҳақида фикрларини инобатга олиб, маҳкумларни Ўзбекистон Республикаси

ЖКнинг 73-моддаси тартибида ўталмай қолган жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилишни лозим топди.

Жазо муддатларидан озод этилган маҳкумлар байрам арафасида эркин фуқарога айланиб, оиласлари ва жамият учун фойдали меҳнатни давом эттиришлари мумкин бўлди.

Рахматжон АРАПОВ,

жиноят ишлари бўйича Ёзёвон туман судининг раиси.

2022-12-27 12:36:34